

Қумқўрғон агросаноат техникуми

Қумқўрғон агросаноат техникуми

Ўзбекистон Республикаси "Кадрлар таёрлаш миллий дастури" талаблари асосида ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 1 майдаги "Ўрта махсус ва касб-хунар таълимига ўтиш тўғрисида"ги 204-сонли, 2003 йил 29 октябрдаги "Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 473-сонли, Сурхондарё вилоят Қумқўрғон тумани ҳокимлигининг 2004 йил 30 июндаги 320-сонли қарорларига асосан Қумқўрғон туманида "Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш" касб-хунар коллежи ташкил этилган. Қумқўрғон тумани ҳокимлигининг 2004 йил 8-июлдаги далолатномасига асосан Қумқўрғон агросаноат касб-хунар коллежи номига ўзгартирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон "Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони билан Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги Қумқўрғон агросаноат касб-хунар коллежи Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги Қумқўрғон агросаноат техникуми бўлиб ташкил қилинди. Ҳозирги кунда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг ҳузуридаги Қумқўрғон агросаноат техникумининг қуввати 750 ўринга мўлжалланган Таълим муассасасида 29 та ўқув хоналари, 3 та лаборатория хоналари, 1 та амалиёт ўташ устахона ва 50 ўринга мўлжалланган ётоқхона мавжуд. Ўқув ишлаб чиқариш устахонаси Польша гранти асосида "Томат, кетчуп ва мевали джем ишлаб чиқариш мини цехи" билан жиҳозланган. АРМ фондида 14326 дона адабиёт мавжуд бўлиб шундан 6101 та дарслик ва ўқув қўлланмалар, 5940 дона бадий хамда соҳаларга оид адабиётлар, 359 та электрон дарсликлар, 51 дона плакат, 20 дона слайдлар мавжуд.



Техникум директори

Гаппаров Акбар Умирович доцент

Қабул кунлари :Чоршанба

Тел: +998909205574

E-mail: akbargapparov1978@gmail.com



Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари

Бекқулова Назира Юсуповна

Қабул кунлари :Пайшанба

Тел: +998912295068

E-mail: bnazirayusupovna@gmail.com



Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари

Номозов Турғун Алмарданович

Қабул кунлари: Жума

Тел: +998915169594

E-mail: nturg'un82@gmail.com



Хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари

Эсанов Усмон Абдурахмонович

Қабул кунлари: Сешанба

Тел: +99899-424-22-08

E-mail: usmonesonov2@gmail.com